



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 12 апрел, сешанба № 60 (1901)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишнинг имтиёзлари қўшимча рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишнинг имтиёзлари қўшимча рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида:

7. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасининг тўртинчи қисмида хорижий инвесторлар учун белгиланган кафолатлар қўйидаги ҳолларда қўлланилиши маълумот учун қабул қилинсин:

хорижий инвесторларга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишнинг имтиёзлари қўшимча рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида:

хорижий инвесторларга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишнинг имтиёзлари қўшимча рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида:

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда хорижий инвестицияларнинг минимал миқдорини кўпайтириш тарзидаги талаблар жорий этилиши;

хорижий инвесторларнинг визаларини расмийлаштириш ва узайтириш борасидаги қўшимча тартиботлар, шунингдек хорижий инвестицияларни амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий этилиши;

хорижий инвесторларга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишнинг имтиёзлари қўшимча рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида:

хорижий инвесторларга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишнинг имтиёзлари қўшимча рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида:

хорижий инвесторларга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишнинг имтиёзлари қўшимча рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2005 йил 11 апрел

И.КАРИМОВ

ЎЙЛАР МУБОРАК!

Бекобод шаҳар 14-даҳда яна бир қўрқам иморат хонадон соҳибларига топширилди. Қўллул қурувчилар тўрт қаватли, 90 хонадонга мўлжалланган унинг охири пардозлаш ишларини низоҳасига етказиб, ўз эгаларига қалитларини топширди.

Шаҳарнинг қўрқам жойида қад кўтарган ушбу иморат Ўзбекистон металлургия қўшма корхонасида меҳнат қилаётган ишчилар оилалари учун бунёд этилди.

— Утган йили 40 нафар оила янги ўйларида қўйиб, — дейди комбинат касаба уюшма қўмитаси раиси Илҳом Курбонов, — Бу йил ҳам янги хонадонларни набабда турганларга адолатли тақсимлаб бердик. Янгида 90 хонадонда ҳовли тўйларини бўлиб ўтди.

Авлод-аждодлари асл чорвадор ўтган қашқадарёликлар азалдан Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатларига қоракўлчилик маҳсулотлари етказиб беришган.

Мустақиллик шарофати билан мулк шакли ўзгариб, қоракўлчилик насличилик ширкат ҳўжаликлари вужудга келди. Ижара пудрати асосида ишлашга ўтилди.

Бугунги кунда бағрикенд яйловларда 410 миң бошдан ортиқ қоракўл қўйларини боқилаяпти. 20 та ҳўжалик бу муҳим соҳа билан шуғулланади. Фағур Ғуллом номили ҳўжаликда қоракўл қўйларининг «Авазчўл» деб номланган янги зоти яратилди. «Муборак», «Ғузор», «Нишон» насличилик ҳўжаликларида етиштирилган қўчқорлар Самарқанддаги қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-теҳисирчи институтини томонидан ўтказилган аукционда биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Воҳанинг «Ўзбекистон», «Пачкамар», «Туррон», Мардон Ибрагимов номили ширкатларида тайёрланган қоракўл тери ва жун ўзининг сифатлиги билан ажралиб туради.


Чорвадорлик машаққатли, айна пайтада шарафли касб. Йил бўйи дала-ю даштларни кезиб, чўлу саҳро оралаб, қиш қаҳратини, ёз жазирамаси, баҳор ва куз инжиқликларига бардош бериб, эл-юрт чорвасини кўпайтираётган чўпон-чўликлар меҳнатини ҳар қанча улуғласа арзийди.

Воҳа қоракўлчилари кўп йиллик тажрибаларини ишга солиб, ички ва ташқи бозор учун харидорбоп қўйлар, наслдор қўчқорлар, юқори сифатли қоракўл тери ва жун етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. 2002 йилда 45 миң АҚШ долларлик қоракўл тери экспорт қилинган бўлса, 2003 йилда бу рақам 60 миң долларни ташкил этди.

«Муборак» насличилик ширкат

Мустақиллик, аввало, халқимизга миллий ўзлигини, англаш, қадр-қимматини, ўз маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавийиятини тиклаш имконини берди. Кишиларимизда миллий гурур ва миллий таваққурни ривожлантириш, Ватанга муҳаббат ҳамда садоқат туйғуларини камол топтириш учун мустақкам замин яратди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан миллатимизнинг фахру ифтихори - Амир Темур да-



номи билан аталувчи хиёбонда буюк бобомиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишдан бошланади.

Бу йил ҳам 9 апрел куни эрталабдан муаззам боғ Дарҳақиқат, ўзбек номи, халқимизнинг кўч-қудратини, адолатпарварлигини, чеқсиз имкониятларини, башариёт ривожига қўйган ҳиссасини англаш учун Амир Те-

АМИР ТЕМУР ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

хоси қайта қадр тоғди. Соҳибқирон номи, шон-шавкати, олтин мероси юртимиз ва дунё бўйлаб тобора юксак эътибор ҳамда эҳтиром қозонмоқда.

Истиқлол туйғайли Амир Темур номи билан боғлиқ бунёдкорлик ишлари миллатимизнинг фахру гурурига айланди. Бугунги кунда бобоклонимиз ҳаёти ва фаолиятига даҳлдор ғўшалар обод этилиб, зибратгоҳга айлантирилгани, юртимизда қўлаб маънавият манзиллари қад ростлагани, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида Соҳибқироннинг унағвдор ҳайкаллари тиклангани шундан далолатдир.

Хар баҳорда Амир Темур таваллути тантаналари пойтахтимиздаги Амир Темур

бўйлаб қарнай-сурнай, ного-ра садолари, мумтоз куй ва қўшиқлар таралди. Мамлакатимиз давлат ва жамоат ташкилотлари, Тошкент шаҳри жамоатчилиги, зиёлилар, ёшлар вакиллари, пойтахтимиз меҳмонлари Соҳибқирон ҳайкали ёнида тўпландилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, халқ ёзувчиси, Амир Темур халқаро жағрамаси раиси Мухаммад Али, пойтахтимиздаги «Минор» маҳалласи оқсоқоли Фағур Ғулломов, Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси Камола Одилова Соҳибқироннинг миллатимиз, халқимиз, миллий давлатчилигимиз ва башариёт тарихидаги тугган юксак тарихий ўрни ҳақида сўзладилар.

мур сиймосини эслаш кифоя. Унинг заковати, жасорати, тadbиркор ва соҳаватшалиги авлодлар учун ҳамisha хушбағат мактабидир. Асллар ўта-жақ, аммо Соҳибқироннинг сўнасма руҳи инсонията яхшилик тилаганча абадий яшайверади.

Тантана қатнашчилари Амир Темур ҳайкали пойга гуллар қўйдилар.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Шу кун Темурийлар тарихи давлат музейида Амир Темур таваллудининг 669 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

(ЎЗА)



Қонун барчага баробар

Қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш, бозор иқтисодиёти тамойилларини қарор топтириш кўп жиҳатдан ўзаро тузилган шартнома интизомига қай даражада риоя этилишига боғлиқ. «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги Қонун ва қатор меъриий ҳўжатларда шартнома интизомини мустаҳкамлаш, унда белгиланган мажбуриятларни бузганлик учун мулкий жавобгарликни ошириш вазифалари аниқ кўрсатилган.

ШАРТНОМА ШАРТИНИ УНУТГАНЛАР

Қишлоқда мулк шакли ўзгариб, ер ўз эгасини тоғди. Президентимизнинг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Қоракўлпоғистонда 35 та ширкат ўрнига фермер ҳўжаликлари ташкил этилди. Мулкдорларга ажратилган 320 миң гектар ернинг 194,2 миң гектари сугориладиган майдонлардир.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш ҳақида»ги Низомга қўра шартномаларда маҳсулот номи, етказиб берилдиган товарнинг миқдори, сифати, ассортиментини ва баҳоси, бажарилиши мuddатлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, тарафларнинг жавобгарлиги ва бошқа муҳим шартлар кўрсатилиши белгиланган. Бирок, шартноманинг иқтисодий муносабатларнинг ҳўқуқий воситаси сифатидаги ўрнини кўччилик яхши билмайдди. Tadbиркорлик субъектлари раҳбарларининг ҳўқуқий саводхонлиги пастлиги деб беришмоқда. Кўп ҳолларда шартномалар пала-партиш, юзаси расмийлаштирилишидан ташқари деҳқон-фермер ҳўжаликлари зарарига, тайёрловчи ва таъминоти корхоналар фойдасига бериқлама тузилаяпти.

Раҳбарлар қонун ҳўжатлари ва ҳўқуқий меъриларни яхши билмаслиги туйғайли иқтисодий низо ва келишмовчиликлар келиб чиқмоқда. Бултур айрим қишлоқ ҳўжалик жамоалари давлат эҳтиёжи учун пахта етиштириш режаларини уddалай олишмади. Тўртқўл туманидаги «Саида» фермер ҳўжалиги 2004 йил пахта ҳосили учун «Ок олтин» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятини билан 13 гектар майдонга чигит экиб, 25 тонна хомашё етказиб бериш бўйича контрактация шартномаси тузган. Лоқайлик ва эътиборсизлик оқибатида фермер ҳўжалиги шартномадан қайд қилинган мажбуриятларни бажармасдан давлатга 3 тонна 369 килограмм пахта топширган, холос.

Оқоридаги ҳолат бўйича Қоракўлпоғистон Республикаси прокуратураси ҳўжалик судига даъво аризаси киритди. Масала урганилиб, фермер ҳўжалигидан ҳиссадорлик жамияти ҳисобига 3 миллион 145 миң 137 сўм бўнак ва 1 миллион 216 миң 744 сўм устама пулларини ундириш тўғрисида қарор чиқарилиди.

Мамлакатимиз бойлиги ҳисобланган ердан ҳар бир деҳқон ва фермер ҳўжалиги оқилона фойдаланиши керак. Ижарага бе-

рилган экин майдонлари умрини бекор ўтказётган тadbиркорлар борлиги қишини ташвишлантиради. Амударё туманида жойлашган «Шамсиддин» фермер ҳўжалиги 14,1 гектар экин майдонини ўн йил мuddатга ижарага берилган. «Юлдуз» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти билан чигит экиладиган 5 гектар майдондан 14 тонна пахта етказиб бериш бўйича контрактация шартномаси тузилган. Аммо, экилган майдонларда агротехника тadbирлари вақтида ўтказилмаган. Униб чиққан ниҳоллар парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Натияжада йил охирига келиб шартномада кўрсатилган режанинг ярми ҳам уddаланмаган. Атиги 4,7 тонна хомашё етиштирилган.

Республика прокуратураси ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, «Шамсиддин» фермер ҳўжалиги 14,1 гектар ер майдонини ижарага бериш ҳақидаги туман ҳокими қарорини бекор қилишни, ҳўжалик фаолиятини тугатишни ва пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти фойдасига 388 миң 800 сўм бўнак пулини, 518 миң 900 сўм устама ундиришни сўраган. Ҳўжатлар синчиқлаб ўрганилиб, даъво аризаси қаноатлантирилди.

Президентимизнинг 1998 йили 4 мартдаги «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ноқорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кўчатириш тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида шартнома шартларига амал қилмаган, унинг аҳамиятини тўғри англаб етмаган, қўзлаган режаларини барбод этган 28 нафар фермер ҳўжалиги фаолиятига чек қўйилди. Улар тасарруфидига 1362,6 гектар ижара майдонлари давлат истиқоғига қайтарилди. Республика ҳўжалик суди қарорига қўра шартномавий мажбуриятларини бажаришда ноқонуний ҳолатларга йўл қўйган 822 нафар фермер ва ширкат ҳўжалигидан 1 миллиард 642 миллион сўм ундирилди.

Шартнома томонлар ҳўқуқ ва мажбуриятларини белгилловчи юридик ҳўжат ҳисобланади. Шу боис ҳар бир тadbиркорлик субъекти раҳбари шартнома ва унинг ҳўқуқий аҳамиятини тўғри англамоғи ва зиммасиданда масъулиятни чуқур ҳис этмоғи керак. Уз набабатида ҳўқуқ-тартибот идоралари ва ҳўжалик суди ҳодимлари тadbиркорлар, фермерлар, оилавий пудрат аъзолари ва ижарачиларга шартномалар аҳамиятини кенг тўлуқтиришлари, юзасига келган муаммоларни ечиш бўйича ҳўқуқий йўл-йўриқлар кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир.

И.ҚАРШИЕВ

Имконият ва натижа

бериладиган қоракўл тери етказиб берилаётганлиги натижасида иқтисодий юксалишга эришиляпти.

«Нишон» ва Фағур Ғуллом номили ҳўжаликларда қоракўл қўйлар наслдорлигини ошириш учун Самарқанддаги Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳодимлари би-

сини қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил қилинса бўладими? Бўлади. Бу соҳада дастлабки қадамлар ҳам қўйилди. Қашқадарий «Антика» хўсусий фирмаси ташкил этган «Ўзбек - Бухоро қоракўли» савдо-ишлаб чиқариш корхонасида қоракўл теридан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Вилоятнинг инвестиция дастурига Муборакда терини қайта ишлайдиган, умумий қиймати 4 миллион АҚШ долларлик завод лойиҳаси киритилган. Бундай ташаббуслар ҳаётга тезроқ тadbик этилса нур устига аъло нур бўлур эди.

Чорвачилик иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири. Кўй жониворнинг жундан тортиб гўштигача, териси, қоракўли, ҳатто ичаги ва туёғича даромад манбаи. Жорий йилда умумий отарда қўйлар сони 10 фоизга кўпайди. Совлиқлар салмоғи 70 фоизга өтди. 90 фозид ургочи қўзилар ўстиришга қолдирилди. Қисқаса, бир отардан икки отар яратилиб, 180 мингга яқин қўзи олинди. Унинг 150 миң боши ўстириш учун қолдирилди.

Рақамлардан кўриниб турибдики, қўйчиликни юксалтириш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда. Тўқинлик сари йўл яйловлардан бошлади. Ота-боболаримиз эъзолаб келган чорвадорлик касбини шарафлаб, моллар туёғига тўёқ қўшаётган яйлов баҳодирлари меҳнатини доимо қадрлаш лозим. Мутасадди ташкилотлар қўйчиловдан етиштирган маҳсулотларни қайта ишлаш, жаҳон бозорига чиқариш ва қоракўлчилик шухратини тиклаш учун қатий ҳаракат қилсалар, юртимизнинг иқтисодий қудрати янада ортади.

Вилоятда қоракўлчилик хомашё-

И.ИСОМУДДИНОВ

ҚОРАКЎЛ ЖИЛОСИ

9303 донa тери, 1076 центнер жун топширилиб, шартнома режаси ошириб бажарилди.

Ялли даромад 607 миллион сўмини ташкил этган бўлса, олинган соф фойда 91,5 миллион сўмдан ошиб кетди. Ширкат аъзоларига 90 миллион 150 миң сўм маблағ дивидент сифатида тарқатилди. Илғор чўпон Абдусалом Ҳусанов «Тик» автомашинаси билан, моҳир чорвадорлар Чори Норбоев, Салим Жумаев, Ёмғир Барноев, Сайдулло Ҳудойназаров, Афғон Эргашевлар муқофотга 40-45 тадан қўзи олдилар. Иш ҳақига қўшимча 18 миллион 212 миң сўмлик маҳсулот, 5 миллион 100 миң сўм нақд пул берилди.

Чўпонларнинг пудрат усулида ишлаши туйғайли оилавий даромади ортиб бораёпти. Табиий чўл шаронтида бақувват, гўштдор, наслдор қўчқорлар етиштириляпти. Маҳсулот сифати яхшиланаётганлиги, бозор талабларига жавоб

Ижтимоий ҳимоя

КЕКСА АВЛОД ИЗЗАТДА

Мамлакатни модернизациялаш, барча соҳаларда ислохотларни чуқурлаштириш, эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, аҳолини иш билан таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифалари ҳисобланади.

Экологик шароит анча мураккаблашган Орол бўйида аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган муайян ишлар амалга ошириляпти. Ҳозирги пайтда ҳар ойда салкам 191 минг нафар кишига 4 миллиард сўмдан зиёд пенсия ва нафақалар тўланмоқда. Пенсия жамғармаси орқали бу маблағларни молиялаштириш ва тўлашда узилишларга йўл қўймаслик чора-тадбирлари қўриляпти.

Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш тўғрисида»ги қарорининг ижроси доимий назоратга олинган. Унга асосан аҳоли ижтимоий муҳофазатга муҳтож қатламнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилган. Ижтимоий таъминот ходимлари 120 нафар ёлғиз кексаларга хизмат кўрсатишмоқда. Пенсияерлардан 1700 нафари мамлакатимиз бахаво санаторийларида дам олиб, соғлигини тиклади. 7297 қария ва ногиронлар қўнунда белгиланган тартибда дори-дармонлар билан таъминланди.

— Кекса авлодга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш азалий қадрият, — дейди биз билан суҳбатда Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш вазир Абдулла Собуров. — Оила, кишлоқ, маҳалла ва меҳнат жамоаларида отахон ва онахонларга катта иззат-ҳурмат кўрсатиляпти. Овулларда истиқомат қилаётган 100 дан ортқ юз ёшдан ошган қарияларга ҳомийлар бирктилган бўлиб, уларнинг

вомида 23 марта меҳнат ярмаркаси уюштирилиб, уларда иштирок этган фуқароларнинг 2462 нафари ишга жойлаштирилди.

Меҳнат қилиш лаёқати бўлмаган 1513 киши, ҳарбий хизматдан бўшатилган 907 ва хизматга чакрилиш резерви ҳисобига олинган 12575 фуқаро, жазони ўташ жойларидан озод қилинганлардан 701 киши ишга жойлаштирилди.

Яқинда Беруний туман меҳнат бўлими ташаббуси билан «Бийбозор», «Беруний» ва «Олтинсой» овулларида меҳнат ярмаркаси уюштирилди. Унда 145 киши корхона ва ташкилотлар, ширкат ва фермер хўжаликларга ишга юборилди. Бундай муҳим тадбир Эллиқалъа ва Амударё туманларидаги овулларда ҳам бўлиб ўтди.

Меҳнат бўлими ходимлари олис овулларда бўлиб, хотин-қизларни фойдали меҳнатга жалб этишнинг аҳолини чуқур ўргандилар. Хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда тузилган дастурга кўра 11 мингдан ортқ аёл иш билан таъминланди. Янгидан фойдаланишга топширилган «Туркўлтёк» ва «Беруний-тёк» кўшма корхоналарида мингдан ортқ маҳаллий ёшлар янги иш ўрнига эга бўлди. Келгусида «Элтекс-Юнивер» кўшма корхонасида ишловчилар сон 3 минг нафарга етади. Юздан ортқ кичик корхоналар, савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчлари ишга туширилиши, Марказий Осиёда ягона Кўнгрот сода заводининг фойдаланишга топширилиши 1,5 минг киши меҳнат қилиши учун имконият яратди.

И. ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» мухбири



«1-Боёвут» ширкат хўжалиги Боёвут туманидаги иқтисодий барқарор хўжаликлардан бири ҳисобланади. Хўжалик деҳқонлари ўтган йили 2651 гектар майдонга чигит экиб, пахта етиштириш шартномавий режасини ортиги билан бажаришди. Шунингдек, давлатга 6800 тоннадан ортқ сара дон сотилди.

Бундай муваффақиятларга эришишда банклардан олинган кредитлар муҳим рол ўйнади. Хусусан, Ташки иқтисодиёт миллий банки Сирдарё вилояти бўлими томонидан ажратилган 85,2 миллион сўмлик кредит ҳисобига 4 та хайдов трактори ҳамда ўсимликларни зарарли ҳашаротлардан ҳимоя қилувчи трихорамма етиштирадиган биологатория линияси сотиб олинди. Ўз навбатида, бу тадбирлар мўл ҳосил етиштиришга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Суратларда: биологатория ходимлари Гулнара Жўраева ва Холда Бобокалонова иш устида; оилавий пудратчилар ерни экишга тайёрлашмоқда.

Мухаммад КАРИМ
олган суратлар

150 ТА ҚУДУҚ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

2002 йилдан бери Хоразм вилоятида иш олиб бораётган «Германия агроакцияси» нотижорат ташкилотининг фаолиятига, аynиқса кишлоқ аҳолиси юқори баҳо беришмоқда. Ташкилот имтиёзли кредит асосида, кейинчалик кўпайтириш учун вилоят деҳқонларига сифатли картошка ва бошқа кишлоқ хўжалик экинлари уруғларини етказиб бериш билан бирга деҳқон ва фермерларни ўшбу экинлардан юқори ҳосил етиштириш сирларидан воқиф қилмоқда. Шу билан бирга хайрия тадбирларини ҳам ўтказмоқда.

Яқинда шундай тадбирлардан бири амалга оширилди. Ўзбекистондаги «Германия агроакцияси» лойиҳаси менеждери Бернт Зайц ва ташкилот эксперти Улий Шлютер Қўшқўпир, Шовот, Янгиариқ ва Хива туман давлат санитария-эпидемиология назорати марказларига биттадан ҳар бирининг баҳоси 1100 евро қийматига эга бўлган ичимлик суви таркибидидаги туз миқдорини аниқловчи ихчам асбобни тўхфа қилишди. Жойларда ўшбу асбобни ишлатиш хусусида семинар-тренинг ўтказди.

Юқорида тилга олинган туманлар аҳолиси 2002 йилда сув танқислигидан анча азият чекканди. Шу сабабли ҳам айнан ўшбу жойларда «Германия агроакцияси» кудуқларни таъмирлаш, насос билан сув чиқариш ускуналарини ўрнатиш ишларини амалга оширмоқда. 2003-2004 йиллар давомида бу туманларда 150 очқ кудуқ фаолияти қайта тикланди. 381та қувурли насос ўрнатилди. Бундан ташқари, 5400 нафар деҳқон ва 850 нафар фермерга картошка, маккажўрқон, кунгабоқар уруғлари ва минерал ўғит гуманитар ёрдам сифатида тарқатилди.

К. РАҲИМОВ



«ОРТОМЕДФАРМ» - ТИББИЁТ ДАСТЁРИ

Навоий вилояти марказида иш бошлаган «Ортомедфарм» ҳиссадорлик жамиятида ногиронлар аравачаси, бандж ҳамда мураккаб ортопедия пойабзаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ийгирама нафарга яқин киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада тайёрланган дастлабки 15 миллион сўмлик маҳсулот Навоий вилояти шифохоналари ва реабилитация марказларига етказиб берилди.

Урганч шаҳрининг «Тинчлик» ва Пахлавон Маҳмуд кўчалари кесимида бурчагида алоқа технологиялари касб-хўна коллежи учун янги бино қурилишига киришилди. Уни амалга ошириш тендерда ғолиб чиққан «Оби-хаёт» ЛТД масъулияти чекланган жамият бунёдкорларига насиб этди.

УРГАНЧДА ЯНА БИТА КОЛЛЕЖ

600 ўринга мўлжалланган, замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган уч каватли билим маскани пойдеворига ишбоши Хасанбой Раҳимов раҳбарлигидаги қурувчилар тўшамо-монлиқ асос қўймоқдалар.

— Янги коллеж шаҳардаги энг кўрак бинолардан бири бўлади, — дейди бригада бошлиғи Отаназар Ҳамроев. — У Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами арафасида ўқувчиларга совға қилинади. Айни кунда Отабой Исокков, Ҳакимбой Оллабергенов, Мурод Жуманов каби бригада мезининг 14 нафар қурувчиси ишда сурват ва сифатни таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Апрель ойининг биринчи декадасида гишт терувчилар бу ерда иш бошлашди.

Янги коллеж айни кунда шаҳарда қад ростлаётган учинчи билим масканидир.

Р. КўКАНОВ

Мулоҳаза учун мавзу

КЎМИР КУЛИДАН ҲАМ ФОЙДА ҚИЛИШ МУМКИН

Шаҳримизнинг экологик ҳолатига мавжуд Ангрён ва Янги Ангрён иссиқлик энергияси станцияларининг иш фаолияти муайян даражада салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу борадан гап кетганда кўпчилик улардан чиқаётган куюқ тугунлар орқали атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли моддаларни тушунишади. Бундан ташқари, кўмир ёнганда қоладиган кул-қурумларнинг ҳам экологик ҳолатга салбий таъсири бор.

Ҳозирги кунга келиб мавжуд икки станциянинг чиқиндиларини эгаллаб ётган ер майдонларининг ҳажми салкам 130 гектарни ташкил этади. Уларда тўпланиб қолган кул-қурумларнинг миқдори эса 11 миллион тоннадан ортқидир. Масаланин яна бир томони шундаки мазкур чиқиндиларга ҳар йили 400-500 минг тонна янги кул-қурумлар келиб қўшлади. Натижада бу чиқиндилар кенгайиб, қўшимча ер майдонини эгалламоқда. Ёзнинг иссиқ шамолли кунларида чанг тўзон кўтарилиб яқин жойлашган аҳоли, корхона ва ташкилотларга жиддий зарар етказмоқда.

Ўшбу муаммони ҳал этиш борасида кўнлаб илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофазат қилиш қўмитаси қошдаги «Атмосфера» илмий ишлаб чиқариш технологияси институти ходимлари тақлиф этаётган технологик комплекс бошқаларга нисбатан характерлидир. Бу тадқиқотни станциянинг юқори ташкилотлари ва мутахассислари чуқурроқ ўрганиб чиқиши фойдадан ҳоли бўлмасди. Институт ходимларининг тақлиф эта-

ётган кўмир кулини қайта ишлаш технологияси натижасида кул таркибидида алюминий, кальций, темир, магний каби фойдали маҳсулотларни ажратиб олиш мумкинлиги кўрсатилган. Қизиги шундаки, мазкур усулда кулни қайта ишлаш билан атмосфера ҳавосига умуман салбий таъсир кўрсатилмайди.

Мутахассисларнинг ҳисоби бўйича йилга 1,5 миллион тонна кулни қайта ишлаш билан ундан 150 минг тонна алюминий, 10 минг тонна темир, 60 минг тонна кальций, 150 минг тонна кремний ва 45 минг тонна магнийни ажратиб олиш мумкин.

Комплекс қурилиб ишга туширилган тақдирда бу кетган маблағ ўзини тез орада оқлайди.

Албатта бундай комплексни қуриш «Ўзбекэнерго» Давлат акционерлик компанияси раҳбариятига боғлиқ бўлиб, масала кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Агар Янги Ангрён ИЭСи учун янги чиқиндихона қуриш мажбурий ҳол бўлса, унинг ўрнига тақлиф этилган технологик комплексини қуриш афзалроқ кўринади. Бу билан тўпланиб қолган 11,0 миллион тоннадан ортқ кул ҳам қайта ишланади. Станцияларга қўшимча даромад олиб келади. Янги иш жойлар очилади, энг муҳими чиқиндидан ҳалос бўлиб, худудимиздаги экологик ҳолатни мувофиқлаштиришга эришамиз.

А. МИРАЛОВ,
Тошкент вилоят табиатни муҳофазат қилиш қўмитаси назир

Андижон биокимё заводи очик акциядорлик жамияти 50 йилдан ортқ вақтдан бери халқ хўжалигининг турли соҳаларини зарур хом-ашё маҳсулотлари билан таъминлаб келаётир. Бу ерда айни пайтда аҳоли эҳтиёжи учун керакли дори-дармон ҳам тайёрланмоқда. Саноат корхоналари учун эса этил ацетат етказиб берилляпти. Бундан ташқари, қайта ишланган бугдойдан чорвачилик учун тўйимли озуқа ҳам тайёрланаётир.

Ҳозирда меҳнат даргоҳида 700 нафардан ортқ киши ишламоқда. Шулардан 186 нафарини аёллар ташкил этса, 176 нафари ёшлардир. Ишловчиларнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун барча қулайликлар яратилган. Уларнинг соғлиқларини доимий назорат қилиш учун тиббий пункт ишлаб турибди. Кийиниш, дам олиш, маънавият ва маърифат хоналари мавжуд. Ишловчилар махсус иш кийимлари билан тўлиқ таъминланган. Сут маҳсулотлари бепул тарқатилмоқда. Зарарли иш шароитида меҳнат қилувчиларга 12 фоиз қўшимча ҳақ тўлана-япти. Тунги сменада ишловчиларга эса 50 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ берилляпти.

Корхонада меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилда махсус иш кийимлари ва химоя воситалари учун 2 миллион тоннадан ортқ кул ҳам қайта ишланади. Станцияларга қўшимча даромад олиб келади. Янги иш жойлар очилади, энг муҳими чиқиндидан ҳалос бўлиб, худудимиздаги экологик ҳолатни мувофиқлаштиришга эришамиз.

Корхонада мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, ишга омиликорлик билан ёндошилмоқда. Жумладан, бу йил эфир-алдегид фрак-

ТУНГИ СМЕНАДА ИШЛОВЧИЛАРГА 50 ФОИЗ ҚЎШИМЧА ҲАҚ

чиқисидан кучли эритувчи этил-ацетат ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Етачки мутахассислар томонидан кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, турли хилдаги газланган минерал суви қадоклаш цехлари, консерва маҳсулотлари, томат пастаси ва турли концентратлар тайёрлаш борасида зарур саноат-харакатлар олиб борилмоқда.

Андижондаги автомобилларга эҳтиёт қисмлар тайёрлайдиган «Ўз-Донг-Жун» кўшма корхонаси билан шериклик асосида фаолият олиб борилляпти. Бундан ташқари, Наманган ва Фарғонадаги «Дори-дармон» уюшмалари билан мунтазам алоқа йўлга қўйилган бўлиб, уларга 5 фоизли бриллиант қўқи ва 70 фоизли йод эритмаси тайёрлаб берилмоқда.

Ўтган йили 737 нафар ишчи-хизматчи, 250 нафар пенсияер ва ногиронларга Мустақиллик, Наврўз айёмларида байрам дастурхон ёзилиб, ҳар-

Имтиёз

бир ишчи-ҳодим ва факрийларга мукофот пули берилди. Хотира ва Қадрлаш кунда юз нафар уруш қатнашчиси ва байналмилал жангчи тақлиф этилиб, уларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Кам таъминланган оилаларга беминнат ёрдам


кўрсатилди. Корхона атрофида жойлашган «Саноат» ва «Наврўз» маҳалла-ларидаги оталиққа олинган факрий ва ногиронларга кийим-кечак ҳадя қилинди. Андижон шаҳар кўзи охишлар жамиятига ҳам муруват ёрдами кўрсатилди. Кўп йиллар корхонада фидокорона меҳнат қилиб, ҳозирда корхона қармоғига олинган факрий ишчи М.Аскаронинг соғлигини тиклаш учун маъмурият хисобидан маблағ ажратилиб, сихатгоҳга йўлланиб берилди. Бундан ташқари, корхона хомийлигида олинган биринчи гуруҳ ногиронларининг коммунал тўловлари ҳам корхона хисобидан қопланди. Жорий йил давомида ишчи-хизматчи ва факрийларнинг соғлигини тиклаш учун 1 миллион 200 минг сўмлик имтиёзли йўлланмалар бепул тарқатилди.

О. ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири

ЎЗ ЎРНИНИ ТОПГАН КИШИЛАР



Ш. СУЛТОНОВ баган суратлар



Узининг ҳалол меҳнати билан эл аро обрў топган инсонлар ҳақида гап кетганда, Чўли Бердиев (чапда) ва Шоймурод Боймирзаевларни меҳнат жамоасидигилари чуқур ҳурмат билан тилга олишади. Чўли Бердиев Деҳқонобод туманидаги «Кизилча» хўжалигининг илгор чорвадорларидан. Шоймурод Боймирзаев эса Косон ёғ-экстракция очик ҳиссадорлик жамиятида салкам 14 йилдан бери фидокорона меҳнат қилиб келмоқда.

Меҳнат муҳофазаси

НОЗИРЛАР фаолияти нега суст?

Меҳнат Кодекси ва «Меҳнатни муҳофазат қилиш тўғрисида»ги Қонун ишловчи соғлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Лекин, афсуски, Фарғона вилоятидаги баъзи корхона ва ташкилот мутаассадилари бу муҳим масалага панжа орасидан қарамоқда. Айрим кичик ва кўшма корхоналар, фермер хўжаликлари, қурилиш, транспорт ташкилотларида ишловчилар учун хавфсизлик техникаси бўйича йуриқномалар ишлаб чиқилмаган. Бунга Фарғона шаҳридаги «Кобул-Фарғона», Қувасой шаҳридаги «Деларос» кўшма корхоналарини мисол тариқасида келтириш мумкин. Яна шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, янги ташкил бўлган деҳқон-фермер хўжаликлари, хусусий фирма ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарида ходимлар тиббий қўриқдан ўтказилмайдилар. Уларни ишга қабул қилиш, берилиши лозим бўлган махсус кийим-бош ва химоя воситалари билан таъминлаш талаб даражасида эмас. Сўғд туманидаги «Мирзо-Қурбон» ва «Лаззат», Ўзбекистон туманидаги «Хумо», Фарғона шаҳридаги «Узторкет» кичик корхоналари, Фарғона туманидаги «Шарифхожа», Дарғарадаги «Раҳмон ота», Богдод туманида-

ги «Тургунбой» фермер хўжаликларига ҳам шундай нуқсонларга йўл қўйилган. Натижада ўтган йили ури берган 40 та бахтсиз ходиса туфайли 33 нафар ишчи ногирон бўлиб қолди. Корхона ва ташкилотларга 24,5 миллион сўм моддий зарар келтирди. Масалан, Фарғона шаҳридаги «Кобул-Фарғона» кўшма корхонасида ишловчи уста А.Беков, Фарғона туманидаги «Шарифхожа» фермер хўжалиги ишчиси Х.Назимовлар масъул шахсларнинг лоқайдлиги боис жароҳат олган.

— Ўтган йили амалдаги қонунчилик ҳамда меҳнат муҳофазаси қонда-меъёрлари бажарилиши юзасидан 300 та корхона ва ташкилотдаги аҳвол ўрганиб чиқилиб, 2133 та қонунбузилиш аниқланган, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Ф.Юлдошев. — 177 нафар мансабдор шахс жавобгарликка тортилди. 18 нафар раҳбар эса давлат меҳнат техника нозирининг тақлифига асосан эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Ю. ОЧИЛДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

ВАТАН ИШҚИ

Халқимиз азал-азалдан Ватан озодлиги ва мустақиллигини қадрлаб келган. Тумарис ва Широқ, Алпомиш ва Гурўгли ҳақидаги афсоналар ҳамда дostonлар, Амир Темури ва Захриддин Муҳаммад Бобурларнинг тарихда битилган жасоратлари бундан далolat. Бинобарин, жойларда фаолитири юритаётган "Ватанпарвар" ташкилотлари ёшларни эл-юрт озодлиги учун курашган қаҳрамонлар жасорати билан таништириш, уларни шу руҳда тарбиялашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ушбу йўналиш бўйича ўтган йил якунларига қўра мамлакатда биринчи ўринга кўтарилган Наманган вилояти "Ватанпарвар" кенгаши ва унинг жойлардаги ташкилотлари амалга ошираётган ишлари ибратлидир.

Ўз атрофида 392 мингдан зиёд аъзони, 1744 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган вилоят кенгаши ёшларга ҳарбий хизмат чоғида ва умуман, хизматдан сўнг тинч ҳаётда асқотадиган бирон касб-хунар ўргатиш, шу билан бир қаторда уларнинг маънавий баркамоллигини таъминлаш йўлида муайян ишларни амалга оширяпти, - дейди кенгаш раиси Зокиржон Бойқонов. - Кенгаш ва унинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари ходимлари маҳаллаларда, жамоат ташкилотларида, қорхона, ҳўжалик ва муассасаларда, айниқса ёшлар ўртасида қадриятларимизни, ота-боболаримизнинг мустақиллик йўлида кўрсатган қаҳрамонлик ва жасоратларини кенг тарғиб қилмоқдалар. Бу борада Президентимизнинг

"Хўшёрликка давват", "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" асарлари биз учун дастуриламал бўлмоқда. Кенгаш ва бошланғич ташкилотлари ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан ҳарбий қисмларга ёшларнинг таширфлари уюштирилмоқда, улар аскарлар ҳаёти билан яқиндан танишмоқда. Тизимдаги 14 та "Маънавият ва маърифат" хонаси, шунингдек, кутубхоналар ёшларни



ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Ватан ҳимоячилари кўнига бағишлаб ўтказилаётган оммавий-ватанпарварлик тадбирлари ҳам яхши самара бермоқда. Бу тадбирлар чоғида уруш фахрийлари билан учрашувлар ўтказилмоқда, уларнинг хотира ва эсдаликлари тингланмоқда. Маълумки, Наманган автомобиль мактаби Қўроллик Кўчларимиз учун ҳайдовчи мутахассислар етказиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда халқ ҳўжалиги

учун ҳам фақат ўтган йилнинг ўзида 4775 ҳайдовчи мутахассис тайёрланди. Ёшлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда мавжуд 1360 дан ортиқ спорт секцияларида 55 мингдан кўпроқ ёшлар шўгулланди. Тизим ташкилотлари томонидан ўтган йили 4 та республика, 9 та вилоят, 200 дан ортиқ шаҳар ва ту-



манлар микёсида спорт беллашувлари ўтказилди. Улар якунига қўра бир нафар спорт устаси, 9 нафар усталик номзод, 20 нафар биринчи разрядли ва 3500 нафардан ортиқ оммавий разрядли спортчилар тайёрланди. Умуман, 2004 йил якуни бўйича вилоят ҳудудида 800 дан ортиқ мусобақалар уюштирилди ва уларда 30 мингга яқин спортчи ва ҳаваскор спортчи иштирок этади. Уруш ва меҳнат фахрийлари Солижон Адашев ва Абдусаттор Шарипов хорижаларга бағишланган триатлон ва мотокросс бўйича беллашувларда ви-

Алпомиш авлодлари



лоятнинг минглаб аҳолиси иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, болалар спортини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бир неча йилдирки, ёзи биатлон бўйича Ўзбекистон чемпионати ва кубоги мусобақаси айнан Наманган вилоятида ўтказиб келинаётгани ҳам бежиз эмас. Кенгаш ва унинг бошланғич ташкилотлари фаолиятида бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топиш, бунинг учун янги иш ўринлари яратиш масаласи ҳам мутираларига бағишланган триатлон ва мотокросс бўйича беллашувларда ви-

чалари очилмоқда. Халқ ҳўжалиги учун, шунингдек, ҳаваскор ҳайдовчилар тайёрлаш мактаблари, автомобиллари таъмирлаш шохобчалари ташкил этилмоқда. Натижада фақат ўтган йилнинг ўзидагина ана шу йўл билан 63 миллион сўмга яқин маблағ тўпланди. - Амалга оширилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда, - дейди суҳбатимиз якунида З.Бойқонов. - Сўнгги тўрт йил ичида Кенгашимиз республика микёсида ўз йўналиши бўйича фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Масалан, 2001 йил якунига қўра республика вилоятлари ўртасида учинчи ўринни эгаллаган бўлса, 2002-2003 йилларда фахрли иккинчи ва ниҳоят ўтган йил натижалари бўйича эса голблликни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Шунингдек, Косонсой тумани "Ватанпарвар" ташкилотлари ўтган йил якунига қўра мамлакатдаги 180 дан ортиқ шаҳар ва туман кенгаши ичида "Энг яхши туман кенгаши" кўрик-танловида фахрли биринчи ўринни олди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
"Ишонч" муҳбири

Ўтмишимизни ўрганамиз

Балҳда турган амир Хўсайнинг кўнглида эса бошқа гап бор эди. У Темурининг кучи билан Илёсхожани йўқотиб, сўнгра Темурининг ўзини ҳам ордан кўтариб, Мовароуннахрни эгаллашни ўйларди.

Шу боисдан ҳам у вадасини бузиб, белгиланган жойга атайлаб ўз вақтида етиб бормади. Темури бунинг пайқаса ҳам унга билдирмай, илик муносабатда бўлади. Жанг бошланганда Илёсхожанинг 30 минглик қўшини пароканда бўлиб, қочиб йўлини тутди. Темури ҳам Илёсхожа билан олдинда катта жанглар бўлишини билар эди. Шу боис у барча амирлар билан кенгашиб, тез кунда 20 мингга яқин лашкар йиғишга муваффақ бўлади. У бу лашкарларни икки қисмга бўлиб, ўзи чап қанотни бошқариб, Нуён Берқут билан Чоку барлосни ёрдамчи куч сифатида қўяди. Илёсхожа билан бўлган навбатдаги жанг Самарқанда яқин Митан қишлоғида олиб борилди. Урушда мўғуллар енгилди, Илёсхожа асирга тушди. Темури Самарқандни олғач, тезлик билан Хўжандга юриш қилди. Бир қисм қўшинларни эса Тошкентга юборди. Бундан фойдаланган Илёсхожа бандиликдан қочишга муваффақ бўлади.

Мўғулларнинг тупроғимиздан илк ҳайдалиши 1364 йилга тўри келади. Шундай қилиб, Темури 28 ёшида Мовароуннахр ҳўкмдори бўлишга ҳақли эди. Лекин у Бадахшон, Балх, Хутталон ҳудудларини амир Хўсайнига тортиқ қилди.

1365 йилнинг баҳоринда Илёсхожа Мўғулистонга қочиб бориб, жуда катта ҳарбий тайёргарчилик билан яна Самарқандга юриш қилди. Бир неча кундан берг тинмай ёғаётган ёмғир жанг майдонини бамисоли кенг ботқоқзорга айлантириб юборган эди. Лой устидаги жанг амир Хўсайни қўшинларини чекинишга мажбур этади. Илёсхожа аскарлари шунчалик кўп эдики, натижада ёлғизланган, кучсизланган Темури ҳам чекинишдан бошқа илож тополмади. Самарқанд тахти яна таҳликага тўс олади. Аммо Самарқанд аҳолиси бу воқеага бепарво қарамади. Сарбадорлар бошчилигида Мавлонзондан саъй-ҳаракати билан 10 минглаб халқ мўғул қўшинларини улқоқ-

тириб ташлади. Бу хабарни эшитиб, Темури ва амир Хўсайни ҳайратдан ёқа ушлайдилар. Улар зудлик билан Конгилга етиб келдилар. Амир Хўсайни ҳарбий айёрлик ишлатиб, сарбадорларни зафар билан таъриқлайди, совға-саломлар билан уларнинг кўнглини овлаб, яқинлашиб олади ва фурсатдан фойдаланиб Мавлонзонда бошлиқ сарбадорларнинг бошларини танасидан жудо қилди. Темури илтимос билан мударис Мавлонзондани ўлимдан сақлаб қолади. Шундай қилиб, Самарқанд тахти осонлик билан қўлга киритилди. Аммо хали ҳам қонун бўйича ҳўкмдорликда Чингизхоннинг ясоқ ва

унда мустаҳкам сулҳ тузиш ҳақида қасамлар ичилган хатни топширади. Темури сулҳни ижобий қабул этади. Тошкент қалъасига амир Сайфиддин хоким қилиб тайинлайди. Сўнгра у бу ердан амир Хўсайни ҳўзурига бориб, сулҳни мустаҳкамлайди. 1370 йилга келиб амир Хўсайни Хўросонда курултой қақриб, Одил Султонни Мовароуннахр хони деб эълон қилди. Одил Султон эса аввалдан келишиб қўйилганга мувофиқ амир Хўсайни Мовароуннахр ҳўкмдори деб эълон қилди.

Кўпчилик амирлар курултой қароридан но-

МОВАРОУННАХР ДАРҒАСИ

йўсуллари юритилиб, унга қўра Самарқанд мўғулзода амир Хўсайнинг тахт тепасига чиқшини талаб этади. Темури бунинг яхши билганидан, вазиятнинг етилишини кутишга мажбур эди. Бу орада Темури сукули хонини Улжой Туркундан ажраб қолади. У 1366 йил 12 январда Умаршайни етим қилдириб, ҳаётдан кўз юмади.

1367 йилга келиб қариндошлик ришталари бутунлай узилган амир Хўсайни Темури ордан кўтариб ташлаш ҳаракатида катта қўшин тортиб, Қаршини эгаллаб олди. Темури зудлик билан лашкарларини йиғиб жангга ҳўзирланди. Унга Балх ва Хўросон музофотидан қўшимча кўчлар келиб қўшилди. Қаршига амир Хўсайнинг лашкар-бошиси амир Мусо 12 минг қўшин билан келган эди. Темури оз сонли лашкар билан зўр ҳарбий ҳийлалар ишлатиб, амир Мусо лашкарларини тўзғитиб ташлайди. Бу пайтда амир Хўсайни Темурдан хавфсиз раб тезлик билан Балхга бориб, қалъани мустаҳкамлашга тушган эди. Темури Қаршини олғач, зудлик билан Самарқандга Довуд барлосни юборди. Уни хўрога эса Маҳмудшоҳни тайинлади. У Олтин ўрни хонларнинг ҳўжумини ҳам унумтай безовта яшамоқда эди. Шу боис Темури Тошкент атрофини ҳам ғанимлар хуружидан асраш учун уни мустаҳкамлаш тадбирига тушади. Шу аснода Балх ҳўкмдори амир Хўсайни томонидан элчи келиб,

рози бўлади. Темури амир Хўсайнинг тузган сулҳи омонат эканлигини қўриб турган эди. Темурини қўллаб-қувватловчи амирлар Довуд барлос, Чоку барлос, Сорбуға, амир Сайфиддин, Аббос Баҳодир, Окбуға, Элчи Баҳодир, Давлатшоҳ бахшилар унинг ҳўзурига келиб, Мовароуннахрнинг сохта ҳўкмдорига қарши фурсат кутмай жанг қилишга лозимлигини билдирдилар. Тез орада Бухоро, Қарши, Тошкентдан келган қўшинлар ҳам Темури лашкарлари билан бирлашиб, Балх амирами Хўсайни билан жанг қилишга отландилар. Чигатой ҳудудининг бутун номдор амир ва нўёнлар Темури тасаруфига йиғилдилар. Шиддатли тўқнашудан кейин амир Хўсайни енгилди. Қўриқчилар амир Хўсайнини тутиб келтирадилар, бироқ Темури уни ўлдирмасдан дарвозасидан озодсан деб чиқариб юборди. Амир Хўсайнинг душманлари бор эди. Жумладан, Хутталон ҳокими бўлган Қайхирва отасини ўлдиргани учун қонли интиқомни кутиб турар эди. У амир Хўсайнинг орқасидан етиб бориб, уни қилич билан қошиб ташлайди. Кўп ўтмай амир Хўсайни кўтарган Мовароуннахр хони Одил Султон ҳам икки ўғли билан қўшиб ўлдирлади.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди (Давоми бор)

ҲАҚИҚИЙ СПОРТ БАЙРАМИ

Қаршидаги мамлакатимиз қўролли кўчлари ўртасида кўпқураш бўйича республика очик чемпионати бўлиб ўтди. Анъанавий мусобақаларда турли қисм ва бўлинмалар ҳарбийларидан ташкил топган 12 та жамоа 3 кун мобайнида ўзаро куч синашдилар. Уч хил ёшдаги армиячилар 100 метрдан 3 километргача бўлган масофага югуриш борасида ўз маҳоратларини синаб кўрдилар.

Сержантлар мактабида мусобақалар қатнашчиларининг тайёргарчилик машинларини ўташлари ва дам олишлари учун ҳамма кулайликлар яратиб берилди. Спорт зали ва майдондаги тренажерлар беллашувларга ҳозирлик кўриш, замонавий компьютерлар эса мусобақа якунларини тез ва аниқ ҳисоблашда жуда асқотди.

Мурасасиз беллашууда Жанубий-Ғарбий округ спортчилари энг кўп очко жамғариб, бош совринни қўлга киритди. Олис масофага югуришда лейтенант З.Раҳмонов, қичк сержант Д.Шодиев ва О.Саъдуллаевлардан ўтадигани бўлмади.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўрин Самарқанд олий ҳарбий қўмондонлик автомобил билим юрти, учинчи ўрин Тошкент Олий умумқўшин командирлари билим юрти спортчиларига насиб этди. Қарши иқтисодийт касб-хунар коллежида 25 ёшдан ошган аёллар спартакиадаси ўтказилди. Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган мусобақа қорхона, ташкилот ва муассасалар хотин-қизларининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги фаолиятининг ўзига

хос кўриги бўлди. Спортнинг волейбол, баскетбол, теннис, енгил атлетика турларида маҳоратини синаб кўрган «Шўртан» маҳалла хотин-қизлар жамоаси биринчиликни қўлга киритди. 100 метр масофага югуришда «Пахтазор» маҳалласидан Зилола Аҳмедова, теннис кортида «Шўртан» маҳалласидан Нилуфар Гуломова, шашка бўйича «Дарвозатутак» маҳалласидан ИБодат Саидкулованинг қўли устун келди.

Мактаб-интернат ўқувчилари ўртасида футбол бўйича мамлакат биринчилигига яқун ясалди. 1989-1990 ва 1991-1992 йилда тургилан ўсмирлар иштирок этган ёшлар мусобақаси кескин курашлар остида ўтди. Биринчи ўринни қашқадарёликлар, иккинчи ва учинчи ўринни Хўрасан ва Сурхондарё ёш футболчилари эгаллашди. Бухорода грек-рум кураши бўйича 1990 йилда тургилан ёшлар ўртасида бўлиб ўтган беллашувларда гиламга чиққан қашқадарёлик Дилшод Инатов, Санжар Салимов, Жаҳонгир Асрону ва Иброҳим Юсуфовлар соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги фаолиятининг ўзига

и.ТИЛЛАЕВ



ХАЛҚАРО ТУРНИР

Қарши шаҳридаги марказий теннис кортида анъанавий «Фьючерс» халқаро теннис турнири бошланди.

Ўзбекистон теннис федерацияси Қашқадарё вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказётган ушбу турнирда элликдан зиёд ракетка устаси голбллик учун курашади.

9-10 апрел кунлари яқка қаршида ўртасида саралаш баҳслари бўлиб ўтди. Унда 12 мамлакатдан келган 32 нафар теннисчи иштирок этади. Жуфтлик беллашувлари бўйича саралаш якунланган, 12 апрел кунининг асосий мусобақалари бошланади.

Мамлакатимизда ёш авлодин биллимли, маънан ва ахлоқан етук инсонлар этиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. «Тайин тўғрисидаги Қонун ва Қарарлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида иш юритиш бу борада кўл келмоқда.

Қарши шаҳридаги Нодирбағим номли икти-сослашган боғча-мактаб-интернат иқтидорли ўқувчилари ва намунали курсаткичилари билан вилоят микёсида эътироф этилган. Мактаб-интернат ҳовлисига киришингиз билан баҳри дилингниз очилди. Дид билан экилган хилма-хил мевали манзарали дарактар, гулхоналар ажойиб манзара касб этган. Бу ерда айни вақтда 868 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия пухта таълим-тарбия беришмоқда. Аёлчи ўқувчиларимиз Ойбек Комилов ва Дилфуза Исмоилова инглиз тили ҳамда ўзбек тили ва адабиёт фанлари бўйича вилоят босқичидаги фан олимпиадасида муваффақиятли иштирок этади, - дейди мактаб-интернат директори Сония Абдуназарова.

Бу ерда келажатимиз бунёдкорлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. 250 ўринли ошхона, ҳамма қўлайликларга эга ётоқхона улар хизматида. Тиббиёт бўлими фаолият кўрсатмоқда. Улар

БАСКЕТБОЛЧИЛАР БАҲСИ

Пойтахтимизда хотин-қизлар ўртасида баскетбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг учинчи тур беллашувлари давом этмоқда. Айниқса, Бухорининг «Университет» ҳамда «Тошкент давлат техника университети» жамоалари ўртасидаги учрашув кизиқлик бўлди. Унда бухорликлар мезбонлар жамоасини 70:68 ҳисобидан доғда қолдирди.

Қолган учрашувларда қўйидаги натижалар қайд этилди: «Ника» (Навий) - «Нефчи» (Фаргона) - 134:33; «Ўзбекистон миллий университети» - «Ёшлик» (Тошкент) - 22:43.

ҒОЯТДА ҒОЙДАЛИ

Автомобил йўллари саноатида юзага келаятган техник янгиликлар транспорт йўлсозлиги ривожига муҳим ўрин тутмоқда. Тошкент автомобиль йўллари институтининг «Автомобил-созлик» факультети олимларининг изланишлари на-

тижалари ҳам соҳа амалиётида кўл келмоқда.

Автотранспорт воситалари самарадорлигини оширишга доир тадқиқот «Ўзбекнефтгаз» ҳолдинг компаниясида ўз амалий ифодасини топди. Айни вақтда бу изланишга нефтни қайта ишлаш ҳисса-

дорлик компаниясида ҳам қизиқиш ортди.

Натижада экстремал шароитда юк ташинишга икти-содий фойда қўрилмоқда. Шу сабабли олимлар таъсияси асосида Қамчиқ домини орқали Фаргона водийсидан республикамиз пойтахти Тошкентга транспортда юклар олиб келиш анча жадаллашди.

А. АЛИЕВ

Иқтидор

да ўқувчилар билимларини мустаҳкамлашмоқда. Истеъдодли ўқувчи Г.Авазованинг Зулфия номидаги давлат муқофоти-га сазовор бўлгани мактаб-интернат жамоасини кувонтирди. Еш шoirанинг шеърлари муҳлислар қалбига кириб борган.

Болалар спортини ривожлантириш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Спортнинг барча турлари бўйича тўғарақлар мунтазам ишлаб турибди. Мактаб-интернат ёш спортчилари Санжар Си-рожов, Тўлқин Мансуров, Шаҳзод Сувоновлар қарат-э, шохмот ва шашка бўйича вилоят микёсида нуфузли ўринларни эгаллашган. Бекзод Мардон-нов эса қаратэ бўйича Болгарияда ўтказилган халқаро мусобақада биринчи ўринни забт этиб, барчага гурур-ифтихор бағишлады.

А.РАҲМОНОВ,
«Ишонч» муҳбири

Тошкент шаҳар врачлар малакасини ошириш институтининг йиллик муассаса сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Зеро, бу ерда қатор лойиҳалар бўйича олиб борилаётган изланишлар самарали бўлмоқда.

ТИББИЙ ЛОЙИҲАЛАР ДОИРАСИДА

«Саломатлик - 1» деб номланган лойиҳа доирасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар диққатга сазовор. Аҳоли соғлигини сақлашга қаратилган мазкур лойиҳа бўйича институт республикамиздаги учта вилоят тиббиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлади.

«Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар қиллоқ врачлик пунктларини муайян жиҳозлар билан таъминлаш имконини бермоқда.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа хайрли ишлар қўлини кенгайтириш бўйича ҳам қатор тадбирлар қўрилмоқда.

ЎзҚУФК қошидаги Курортлар бошқармаси «Чимен санаторийси» МЧЖ директори К.Раҳмонов акаси

Неъматжон РАҲМОНОВнинг бевақт вафот этганилиги муносабати билан чукур ҳамдардлиқ билдиради.

ЎзҚУФК қошидаги Курортлар бошқармаси «Марҳамат санаторийси» МЧЖ директори Ю.Халбековага падири бузқуруқчи **КИМСАНБОЙ** отанинг вафот этганилиги муносабати билан чукур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлады.

Маънавий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотула эркин нархда.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.